

Навоий вилояти

17-1-2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддаларига мувофиқ ушбу шартнома бир томондан Ўсимликлар карантини давлат хизмати тизимининг (кейинги ўринларда – «ИНСПЕКЦИЯ»), бошқа томондан жисмоний / юридик шахс («АРИЗА БЕРУВЧИ») нинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифидир:

### 1. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ агар қуйида кўрсатилган шартлар қабул қилиниб, хизматлар учун тўлов амалга оширилса, қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс Ариза берувчига айланади.

2. Оферта шартномасини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш (таклиф маъқулланиш) пайтида Инспекция томонидан Ариза берувчидан фитосанитария сертификатини олиш учун ариза (кейинги ўринларда – ариза) электрон ҳужжат кўринишида қабул қилинади ва фитосанитария сертификатини олиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилади.

3. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ электрон ҳужжат шаклидаги ариза қоғоз ҳужжатга тенг бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги № 65-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисида Низом»нинг 2-иловасига мувофиқ маълумотлар батафсил баён этилиши, шунингдек Ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

4. Ариза берувчи Оферта шартномаси (кейинги ўринларда – Шартнома) шартлари билан танишиб чиққач, <http://www.singlewindow.uz> манзили бўйича электрон ариза юборади. Ариза берувчи Шартномада белгиланган йиғим миқдорини тўлагандан сўнг унинг аризаси фаоллаштирилади.

5. Ариза берувчи Шартномани белгиланган тартибда қабул қилиб, унинг матнида келтириб ўтилган барча шартлар билан танишиб чиққанлигини, рози бўлганлигини ҳамда тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди.

6. Ариза берувчи ушбу ҳужжатнинг 2-бандида кўрсатилган тартибда уни қабул қилади ва унда белгиланган шартлар асосида Шартнома тузилишига розилик билдиради.

7. Шартнома бекор қилинмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддалари ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Шартномада Ариза берувчининг муҳри ва / ёки имзоси талаб этилмайди ҳамда шунга асосан ўз юридик қучини сақлаб қолади.

### 2. Шартнома предмети

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги № 65-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва Ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Инспекция аризани кўриб чиқиши учун Ариза берувчи қуйидаги тартибда йиғим суммасини тўлайди:

№	Номи	Бир бирлик учун йиғим суммаси, (КҚС сиз)	Миқдори	Сумма
1.	Фитосанитария сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш	1т дан ортқ юк билан бир транспорт бирлиги учун битта асосий ҳисобланган қийматнинг 100%	300	81000000.00

т/р №	Номи	Бир бирлик учун йиғим суммаси, (ҚҚС сиз)
1.	Фитосанитария сертификатини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- 40 кг гача бўлган бир дона жўнатма (қўл юки) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш фоизи миқдориди;</li> <li>- 500 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизи миқдориди;</li> <li>- 1000 кг гача юк ортилган бир транспорт бирлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш фоизи миқдориди;</li> <li>- 1000 кг дан ортик юк ортилган бир транспорт бирлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз фоизи миқдориди</li> </ul>

10. Тўлов тартиби: аризада келтирилган карантин остидаги маҳсулотлар учун йиғим 100% олдиндан тўланади.

11. Агар йиғим белгиланган кундан бошлаб беш кун ичида тўланмаса, буюртмачининг аризаси бекор қилинади ва уни қабул қилиш тугалланмаган ҳисобланади.

### 3. Тарафларнинг мажбуриятлари

12. Карантин рухсатномасини олиш учун Ариза берувчи аризани ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш режалаштирилган кундан камида 30 кун аввал Инспекцияга тақдим қилиш мажбуриятини олади.

13. Инспекция аризани кўриб чиқиб, карантин рухсатномаси / фитосанитар сертификати беришни рад этиш тўғрисида қарорни ариза олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ёзма равишда рад этиш мажбуриятини олади. Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган ёки ариза кўриб чиқилгандан сўнг фитосанитар сертификатини бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Фитосанитар сертификатини беришни рад этиш асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан химоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги № 65-сонли қарорида белгиланган.

Рад этиш тўғрисидаги ҳақидаги хабарнома Ариза берувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, конун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда <http://www.singlewindow.uz> ахборот тизими орқали юборилади. Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Ариза берувчи фитосанитар сертификатини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш, фитосанитар сертификати бериш ёки уни беришни рад этиш ариза берувчидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида такроран кўриб чиқилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

14. Инспекция аризадаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Амалдаги конунчиликка мувофиқ асосли равишда маълумотни ошкор қилиш ҳолатларида мажбурият бузилган деб ҳисобланмайди.

### 4. Жавобгарлик, низоларни ҳал этиш тартиби

15. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

16. Шартномани бажариш вақтида форс-мажор ҳолатлари: давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари, ёнғин, сув тошқини, зилзила, бошқа табиий офатлар, электр энергиясининг йўқлиги, иш ташлашлар, фуқаролик урушлари, тартибсизликлар, шунингдек юқорида санаб ўтилмаган ҳолатлар билан чекланмаган ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳодисалар юзага келиб, Шартнома шартлари бузилса, Инспекция жавобгарликдан озод этилади.



17. Инспекция қуйидагилар учун жавобгар эмас:

- Ариза берувчига ўз хизматларидан фойдаланишни таъминлайдиган умумий алоқа каналлари ёки хизматларининг сифати учун;

- Ариза берувчи томонидан <http://www.singlewindow.uz> сайтида оммавий тарзда тақдим этилган маълумотлар учун.

18. Ариза берувчининг Инспекция томонидан кўрсатилган хизматларга эътирози ёки шикоятлари [info@karantin.uz](mailto:info@karantin.uz) электрон почтаси орқали кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

19. Низоли вазиятларни кўриб чиқишда Инспекция Ариза берувчидан низога доир барча тегишли ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

20. Тарафлар низо ва келишмовчиликлар юзага келганда, судгача низоларни ҳал этиш тартибини қўллаш мажбуриятини оладилар. Агар низони судгача ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, тарафлар судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

## 5. Алоҳида шартлар

21. Ариза берувчи Шартномани қабул қилиш ҳамда бажариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

22. Инспекция ушбу Шартноманинг исталган шартларини ўзгартириш ёки тўлдириш ҳуқуқини ўз веб-сайтида барча ўзгаришларни эълон қилиш орқали сақлаб қолади.

21.23. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрлари асосида тартибга солинади.

## ИНСПЕКЦИЯНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси  
Навоий вилояти  
Навоий шаҳ ар Имом Ал-Бухорий кўчаси 201-уй

Тел.: 79 220-73-92

Х/Р: 400121860124017042103061001

ИНН: 200005991 ОКЭД: 84130

ЎзР МВ Ғазначилиги

Ғаз/шартн : 23402000300100001010

ЎзР. Марказий Банкининг Ҳисоб-китоб маркази

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919



*Handwritten signatures and stamps:*  
Исп: Собиров У.Д. М. 80  
25.01.22.